

# Қуръони Карим дарслари (81-дарс). Насхнинг ўринлари



11:20 / 14.04.2020 4977

*(биринчи мақола)*

Қуръони Карим ва Суннатдаги насх тўрт турли бўлади. Қуйида мазкур турлар ҳақида батафсил сўз юритишга ҳаракат қиламиз.

Биринчи қисм

*Қуръоннинг Қуръон билан насх қилиниши.*

Ислом уммати, хусусан, мусулмон уламоларнинг ижмоълари билан Қуръони Каримнинг барчаси насх бўлиши мутлақо мумкин эмас. Чунки Қуръони Карим Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг доимий мўъжизалари ўлароқ, абадий давом этади. Шу билан бирга, Қуръони Карим барча аввалги шариатларни насх қилган, қиёматгача давом этадиган Ислом шариати ҳукмларининг асосий манбаидир. Албатта, бу каби тугал сифатларга эга Китоб бутунлай насх бўлиши мумкин эмас. Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръони Каримни давомли равишда муҳофаза қилишини баралла эълон қилиб қўйган.

Аллоҳ таоло Ҳижр сурасида марҳамат қилади:

«Албатта, Зикрни Биз нозил қилдик ва албатта, Биз унга муҳофазачимиз»  
(9-оят).

Ушбу оятнинг ҳикматлари ҳақида юқорида сўз юритилган эди. Аллоҳ таоло берган ваъдасига биноан Китобини Ўз ҳимоясига олди.

Мусулмонлар бошларидан оғир замонларни кечирдилар. Улар бутунлай бошқаларга қарам бўлиб қолган вақтлар ҳам бўлди. Кўп урф-одатлари ўзгариб ҳам кетди. Аммо Қуръони Карим ўзгармади. Ҳолбуки, Ислом душманларининг, мусулмонлар душманларининг асосий мақсади Қуръонга зарар етказиш эди. Лекин улар мақсадларига ета олмадилар. Аллоҳ ваъдасига биноан, Ўз Китобини муҳофаза қилиб қолди.

Шу билан бирга, Қуръони Каримнинг баъзи оятлари бошқаларини насх қилиши мумкинлигига уламолар жумҳури ижмоъ қилганлар. Чунки бу масала Қуръони Каримнинг ўзида баён қилингандир. Қуръони Каримнинг барча оятлари ўзининг манбаи, ривоят қилиниш кучи, нозил бўлиши ва собит қолиши, уларга амал қилиш вожиблиги ҳамда уларнинг ичида насх қилувчи ва насх қилинган оятлар борлиги каби жиҳатларда баробардир.

Бу гапга фақат бир киши қўшилмаган, холос. У ҳам бўлса, мўътазилийларнинг вакили Абу Муслим Муҳаммад ибн Баҳр Асфихонийдир. У киши: «Қуръони Карим оятларининг насх бўлиши ақлга биноан жоиз бўлса ҳам, шариатга биноан жоиз эмас», деган. Аммо бу гапга ҳеч ким эътибор бермаган.

Уламолар Қуръони Каримнинг баъзиси баъзисини насх қилиши уч қисмдан иборат эканини айтганлар. Уларни кейинроқ батафсил ўрганамиз, иншааллоҳ.

*(Давоми бор)*

**«Қуръон илмлари» китобидан**